


Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Асҳоби суффа билан бирга йиғлашлари



16:08 / 20.11.2018 3468

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Куласизлар-у, йиғламайсизлар!» ояти нозил бўлганида Асҳоби суффа: **"Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун"** (Бақара сураси, 157-оят), дейишди. Кейин йиғлай бошлашди, ҳатто ёноқлари ҳўл бўлди. Уларнинг йиғилганларини эшитгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам йиғлай бошладилар. *Ва бундай дедилар:*

"Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кимса жаҳаннамга кирмайди! Аллоҳ таолога маъсият ва гуноҳ қилишда давомли бўлган кимса эса жаннатга кирмайди! Агар сизлар ҳеч гуноҳ қилмаганингизда Аллоҳ таоло, албатта сизларни кетказиб ўрнингизга кечирishi ва раҳм қилиши учун гуноҳларига дарҳол тавба қиладиган қавмни келтирар эди. Албатта, Аллоҳ кечирувчи ва ўта раҳмли Зотдир" (Қуртубий тафсири).

***"Пайғамбаримизни йиғлатган ҳодисалар"* китобидан**